

ПУДРАТ ШАРТНОМА  
№ СМД-3

06.05.2022 йил

Термиз шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Яқони Буюртмачи хизмати» ширкати

номидан НИЗОМ асосида иш қурувчи

Ариқов Аслидин Хошимович бир томондан ва кейинги

ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган «STROY MONTAJ INVEST» МЧЖ

номидан НИЗОМ

асосида иш қурувчи Артиқов Ғулом

иккинчи томондан Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Намуна" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Сўттон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обиди атрофини гиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич) ишларини бажаришига

доир мазкур пудрат шартномани туздилар

**I. Тарифлар**

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади

ижро ҳужжатлари – натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар орадик даврда қабул қилинши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади; вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Намуна" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Сўттон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обиди атрофини гиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич) ишларини бажаришига

лойиҳада қўзла тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил 29 апрельдаги Лот 75483 билан баённомаси) билан объектнинг қурилиш қиймати қушимча қиймат солиғи билан биргаликда **967 400 050 (Тўққиз юз олтинчи етти миллион тўрт юз минг эълик) сўми**, (шу жумладан ККС 126 182 615 сўм)ни, шартнома баҳосининг 95 фоизгача миқдори **919 030 000 (Тўққиз юз ўн тўққиз миллион ўттиз минг) сўми**, (шу жумладан ККС 119873478 сўм)ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати ўзил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас. Қўйилган ҳоллар бундан мустасно

қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда.

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадавалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дархастларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

**V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 2- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчилан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

**VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қўчга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **120** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадалига мувофиқ амалга оширилади.

**VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорда Ҳ.Рес. вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли баённомасига асосан (бир марта 30 фоиздан) бунақ ўтказди, бу **290 220 000 (Икки юз тўқсон миллион икк юз йиттирма минг)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадаллари асос ҳисобланади ( 1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган КМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади

- Жорий молиялаштириш бажарилган КМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган КМИни 65 фоизи миқдорда амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси миқдорда бўлади

- КМИларни 95 фоизгача жорий молиялаштириш Республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурда назарда тутилган маблағ миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблағ билан таъминлаш шартномаси (договор рефинансирование) асосида ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тўлови шартномадаги ишлар тўлиқ бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утғач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг КМИлари бўйича

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектта мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.



19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз иммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан овоз қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўхтисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишилади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баланслик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланслик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса,

Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва балансликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жалваларини сақтайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланганидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилиш назорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исгалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маффаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қўчлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бўлган ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, қийматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилаётиши билан боғлиқ ҳўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги

маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мўмкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунгача қадар четлари тўхтисиз қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан овоз этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мўъносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қилади.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда икки нусxada ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи

буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамда 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунгача қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиб «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда,

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қўнайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда,



Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўзилганда.

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда.

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда:

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугатилмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

-Узбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартнома тегишли иловаларида курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг **40,0** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши тўғрисида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,5** фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Бош пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **40,0** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қурилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг **0,2** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси қурилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг **20,0** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши тўғрисида етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратчидан қурилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **5,0** фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаракатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган жарима билан қопланмаган зарарни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

66. Тарафлар шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажарётганда Узбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига зил келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора берилиш тақдиф қилмайди, тавламеънадиқ қилмайди, бевосита ёки бевосита пора

олишга розилик бермайди ёки пора яъни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзғаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига қафолат беради.

67. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар конуний қучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

68. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

69. Шартномада курсатилган маблагдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблагини буюртмачи тўлаб беришни ўз иммасига олмайди.

#### XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

71. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

72. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

76. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сунг ва Газналик бўлинмасидан руйхатдан утгандан кейин конуний ҳисобланади.

77. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тўзилади.

78. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

#### XIV. Томонларнинг банк реқвизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи  
хизмат» ишқилнинг Компанияси

Термиз ш. Боқуменко куча-5 уй

Тел: 221-49-71 Факс: 221-49-74

ИНН: 200474347 ОКОНХ: 97400

Ц/Х: 100021860224017089805056013

Газначилик бўлинмаси номи: Узбекистон Республикаси

Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Газначилик бўлим: ИНН: 201 122 919

«STROY MONTAJ INVEST» МЧЖ

Термиз ш. И. Каримов кучаси 179/1-уй

Х/р: 2020 8000 2008 3382 1001

ХАБ "Трастбанк" Термиз ш. фил.

МФО: 01063 ИНН: 305 255 350

ОКОНХ: 61110 тел: 99-310-51-51, 98-771-00-51

Директори:

А. Арамов

Вилоят ҳокимлиги «Ягона» ИК  
Хўшқўллик қилиш  
06.05.2022 йил

Тарафдор

Раҳбари:

Г. Артиков

06.05.2022 йилдаги СМД-3 сонли  
пудрат шартномага 1-сонли илова

Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Намуна" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш  
(тарихий обида атрофини ғиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-боскич) ишларини  
Б А Ж А Р И Ш Ж А Д В А Л И

(млн.сумда)

№	Ишлар тури ва номи	Бирлиги	Миқдори	2022 йил қурилиш қиймати												Ишлар тури қиймати ҳажми	
				I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
				январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
1	Реконструкция ишларини бажариш	млн.сум	967,400050					267,400	400,000	200,000	100,000						967,400050
	Хаммаси:		967,400050					267,400	400,000	200,000	100,000						967,400050

Эслатма: Қурилиш-монтаж ишлари биринчи бунақ тулаб берилган санадан бошланади.

"БҮЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК

Бош муҳандис:

А.Мамадаминов



"ПУДРАТЧИ"

"STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ

Ғ.Артиқов



06.05.2022 йилдаги СМД-3 сонли  
пудрат шартномага 2-сонли илова

Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Намуна" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш  
(тарихий обида атрофини ғиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-боскич) ишларини  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

(млн.сумда)

№	Молиялаштириш тартиби	2022 йил қурилиш қиймати												Жами: 5% маблаг	Ҳаммаси	
		I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак					
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	30% хажмда бунак					290,220										290,220015
2	65% жорий молиялаштириш						173,810	260,000	130,000	65,000						628,810033
3	5% кафолат муддати тугагандан кейин														48,370	48,370003
	Ҳаммаси:					290,220	173,810	260,000	130,000	65,000				48,370	967,400050	

"БУЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона  
буюртмачи хизмати" ИК

Бош муҳандис:

А.Мамадаминов



"ПУДРАТЧИ"

"STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ

Рахбари

Ғ.Артиқов







Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси учун

2022 йил МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ

( Жорий нархларда, млн.сум. )

Т/р	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити					2022 йилда фойдаланишга топширилаётган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижаси буйича баённома рақами ва санаси	Пудратчи ташкилот номи
							Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жихоз	Буюртмачи бошқа харажатлари		Қувват/муддат ой	Асосий фонд суммаси				
										Жами	жумладан, саклаш харажатлари						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
	<i>95 % гача кредитор қарздорлик</i>																
1	Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасини мукамал таъмирлаш	2019 й	объект	2 842,562 109,979	392,772 4,500	488,283 4,500	160,700	160,700						327,583	383-2019/422 17.04.2019 г.	01-19/44 06.05.2019 01-19/02 10.10.2019	"Жаҳонгир Давр қурилиш Сервис" МЧЖ
2	Шўрчи туманидаги 89-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасининг "Элбаён" филиалини реконструкция қилиш	2019 й	100 катнов	1 956,698 75,960	443,703 75,960	646,698 75,960	400,000	400,000						246,698	383-2019/440 19.04.2019 г.	01-19/49 06.05.2019 01-19/02 10.10.2019	"DISCOVER ENGINEERING" МЧЖ
3	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида вилоят солиқ бошқармаси ва шаҳар солиқ инспекцияси биносини қуриш.	2021- 2022- й	объект	43472,046 1904,196	43472,046 1904,196	43472,046 1904,196	7 925,000	7 775,000		150,000	75,000	объект декабр 2022й	объект	32473 22.02.2022 й	Сур.в.х 04.11.2021 йилдаги қарори	"Термиз Тезкор Қурилиш" ИТҚТ	
4	Сурхондарё вилояти прокуратураси маъмурий биноси ҳовлисида 2 каватли меҳмонхона биносини қуриш.	2021- 2022- й	объект	2 859,911 106,310	937,655 0,000	937,411 28,818	690,000	690,000				объект август 2022й	объект	169,749	№25199 23.11.2021 й	№16050 6382 24.12.2021	"Сурхон Транс Сервис" МЧЖ
5	Термиз шаҳри "Тупрокқўрган" маҳалласи ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилояти ҳокимлигига қарипли инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси биносини реконструкция қилиш	2021	объект	2 027,696 52,800	2 027,696 52,800	2 027,696 52,800	1 926,200	1 876,200		50,000	10,000	объект	2 027,696	101,496	14/04-06/1-9453 15.11.2021	№15798 6079 09.12.2021	"Сурхон Транс Сервис" МЧЖ
6	Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обида атрофини безакли металл панжарали тўсиқ билан ураш)	2022 й	объект	939,917 27,572	939,917 27,572	939,917 27,572	903,423	866,728		36,695	9,123	объект	939,917	36,494	32468 22.02.2022 й.	ЛОТ№43896 16.03.2022 й	"STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ
7	Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини ташқи (ёпик) тўсиқ девор билан ураш (1-босқич)	2022 й	объект	1 122,367 32,690	1 122,367 32,690	1 122,367 32,690	1 078,779	1 035,193		43,586	10,896	объект	1 122,367	43,588	37529 19.04.2022 й.	ЛОТ№75465 29.04.2022 й	"STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ



T/p	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиха қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити					2022 йилда фойдаланишга топширилаётган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижаси бўйича баённома рақами ва санаси	Пудратчи ташкилот номи
							Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жихоз	Буюртмачи бошқа харажатлари		Қувват/муддат ой	Асосий фонд суммаси				
										Жами	жумладан, саклаш харажатлари						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
8	Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини ташқи (ёпик) тўсик девор билан ўраш (2-босқич)	2022 й	объект	996,422	996,422	996,422	957,726	919,030		38,696	9,674	объект	996,422	38,696	37531 19.04.2022 й.	ЛОТ№75483 29.04.2022 й	"STROY MONTAJ INVEST" MCHJ
				29,022	29,022	29,022											
9	Узун туманидаги 12-сонли мактабни мукамал таъмирлаш (спорт зал, ошхона ва фаоллар зали)	2019 й	объект	662,200	102,200	102,200	69,900	53,700		16,200		объект	662,200	32,300	810-2019/867-3 13.12.2019	01-151/19м 14.12.2019	"Узун Улуг Шер" КТХК
				16,200	16,200	16,200											
10	Узун туманидаги 12-сонли мактабни мукамал таъмирлаш	2019 й	объект	1 506,655	366,655	366,655	293,200	256,412		36,788		объект	1 506,655	73,455	810-2019/868-3 13.12.2019	01-150/19м 14.12.2019	"Шаргун тоғ кон сервис" МЧЖ
				36,748	36,748	36,748											
11	Узун туманидаги 12-сонли мактабни мукамал таъмирлаш 1-босқич (1-навбатдаги ишлар)	2019 й	объект	564,640	564,640	564,640	537,100	523,262		13,838		объект	564,640	27,540	147-2021/190-1 11.06.2021	03-97/2021 20.12.2021	"Шаргун тоғ кон сервис" МЧЖ
				13,838	13,838	13,838											
12	Узун туманидаги 12-сонли мактабни мукамал таъмирлаш 1-босқич (2-навбатдаги ишлар)	2019 й	объект	537,729	537,729	537,729	511,500	498,356		13,144		объект	537,729	26,229	147-2021/190-1 11.06.2021	03-98/2021 20.12.2021	"Шаргун тоғ кон сервис" МЧЖ
				13,144	13,144	13,144											
13	Термиз шаҳридаги "Сурхон" спорт мажмуасини қайта жиҳозлаб 308 ётоқ уринли шифохонага мослаштириш	2020		669,093	646,467	35,567	35,600	12,941		22,659				406-2020/49 25.09.2020 й	2-154/3-20 10.11.2020 й	"Комфорт Мебел Сервис" МЧЖ	
				22,626	0,000	22,626											
	шу жумладан 5% кредитор қарздорлик						12,941	12,941									
14	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги Вилоят Кардиология маркази панжарали тўсик деворини мукамал таъмирлаш	2021		81,100	81,100	81,100	78,100	78,100						3,000	145-2021/199 31.03.2021 й	02-07/2021 19.04.2021 й	"Термиз Таъминот" СКТХК
				3,000	3,000	3,000											
	шу жумладан 95% гача кредитор қарздорлик						74,195	74,195									
	шу жумладан 5% кредитор қарздорлик						3,905	3,905									
	5% кредитор қарздорлик																
15	Термиз шаҳридаги вилоят ҳокимиятини капитал реконструкция қилиш (200 ўринли ошхона, назорат ўтказиш пункти, автомобиллар ва ўсоқ учун бостирма, тўсик девор ва ободонлаштириш)	2020					216,200	216,200									"Термиз Таъминот" СКТХК
16	Термиз шаҳридаги вилоят ҳокимияти маъмурий биносини мукамал таъмирлаш (7-босқич)	2020		977,462	0,000	65,233	47,200	47,200						18,033	441-2020/532 23.10.2020 й	3-153/3-20 10.11.2020 й	"Термиз Таъминот" СКТХК
				33,054	0,000	18,013											
17	Термиз шаҳридаги вилоят ҳокимияти маъмурий биносини мукамал таъмирлаш (8-босқич)	2021		894,268	0,000	46,465	43,200	43,200						3,265	446-2020/533 23.10.2020 й	3-152/3-21 10.11.2020 й	"Термиз Таъминот" СКТХК
				30,241	0,000	3,264											













T/p	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойiha куввати	Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити					2022 йилда фойдаланишга топшириладиган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза хулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижаси буйича баённома рақами ва санаси	Пудратчи ташкилот номи	
							Жами капитал қўйилмалар	Курилиш - монтаж ишлари	Жихоз	Буюртмачи бошқа харажатлари		Кувват/муддат ой	Асосий фонд суммаси					
										Жами	жумладан, саклаш харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	
40	Ангор туманидаги 18-сонли мактабни мукамал таъмирлаш	2019				280,485	226,775	226,775						53,710			"Хусниддин Чори" ЖК	
	шу жумладан 95% гача кредитор қарздорлик					53,710												
	5% кредитор қарздорлик							40,000										
								186,775										
41	Термиз туманидаги 10-МТМ биносини мукамал таъмирлаш	2018					33,333	33,333									"Обод Келажак Сари Термиз" ЖК	
	шу жумладан 5% кредитор қарздорлик							33,333										
42	Шеробод тумани "Шеробод" маҳалласини ичимлик сув тармоғини реконструкция қилиш	2018					10,514	10,514									"МММ Голден Сити" МЧЖ	
	шу жумладан 5% кредитор қарздорлик							10,514										
43	Музработ тумани "Юртим Жамоли" маҳалласида китоблар олами мажмуаси қурилиши	2018					24,300	24,300									"Чирой Музработ қурилиш" ЖК	
	шу жумладан 5% кредитор қарздорлик							24,300										
44	Термиз шаҳридаги 2-сонли мактабни мукамал таъмирлаш	2019				60,798	36,910	36,910						23,888			"Термиз Универсал Пласт" МЧЖ	
	шу жумладан 95% гача кредитор қарздорлик							36,910										
45	Сариосиё туманидаги Шаргун шаҳар ҳокимиятининг маъмурий биносини мукамал таъмирлаш	2019				985,955	956,764	956,764						29,191			"Биллур Қурувчи Инвест" МЧЖ	
	шу жумладан 95% гача кредитор қарздорлик					29,191		885,162										
	5% кредитор қарздорлик							71,602										
	Тақсимланмаган лимит						186,372											
	Вилоят бўйича жами:						22 896,663	22 273,673			436,618	114,693						

"КИРИТИЛДИ"  
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги  
"Ягона буюртмачи хизмати"  
инжиниринг компанияси директори

А.Арамов

2022 й.



Handwritten signature and initials in blue ink.

СМД-3  
06.05.22

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 75483 на приобретение Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обида атрофини ғиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич)**

Способ проведения электронный

Дата 29.04.2022

Время рассмотрения 29.04.2022 16:27

Конкурсная комиссия Ягона буюртмачи хизмати ИК, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ARAMOV ASLIDIN XXX	Директор	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Секретарь комиссии</b>	CHORIYEV HAMROQUL CHORIYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бош мутахассиси	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	XOLOV TO'LQIN ABDUXAKIMOVICH	Директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Бош мухандис	Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.04.2022 года № лота 75483.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы по строительству и реконструкции других сооружений</b>
---	--



Подробное описание	Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обида атрофини гиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич)
Количество товара	10.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	98 956 250.80
Стартовая сумма	989 562 508.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг молиявий ҳолати (шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик ҳисоботлар илова қилинади) Давлат солиқ идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиштирама далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим))

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	20	3-шакл	20	Экспертная		
AZIZ METAL MONTAJ	20	3-шакл	16	Экспертная		

Критерий №2 Ўхшаш объектларда охириги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	20	2-шакл	15	Экспертная		
AZIZ METAL MONTAJ	20	2-шакл	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (1-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга муҳандис-қурувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Домимий равишда ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	15	1-шакл	12	Экспертная		
AZIZ METAL MONTAJ	15	1-шакл	9	Экспертная		

Критерий №4 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги (Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: (Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	10	4-шакл	10	Экспертная		
AZIZ METAL MONTAJ	10	4-шакл	10	Экспертная		

Критерий №5 машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Қурилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	15	5-шакл	5	Экспертная		
AZIZ METAL MONTAJ	15	5-шакл	6	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
STROY MONTAJ INVEST MCHJ	989 562 508.00	967 400 050.00	28.04.2022 10:21:46	20.00
AZIZ METAL MONTAJ	989 562 508.00	975 812 225.00	28.04.2022 11:29:25	19.83

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:



Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>STROY MONTAJ INVEST MCHJ</b>	62.4	20	82.4
<b>AZIZ METAL MONTAJ</b>	60.8	19.83	80.63

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 75483 от 29.04.2022 года на приобретение Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обида атрофини фиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич) определила победителем:

STROY MONTAJ INVEST MCHJ  
305255350

и резервный исполнитель: AZIZ METAL MONTAJ (303827953)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	ARAMOV ASLIDIN XXX	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XOLOV TO'LQIN ABDUXAKIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri, Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:  
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana: 19-04-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 37531**

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati Termiz tumani Namuna mahallasi hududida joylashgan "Sulton Saodat" majmuasini rekonstruksiya qilish (Tarixiy obida atrofini g'ishtli yopiq to'siq bilan o'rash) 2 bosqich ishchi loyihasi bo'yicha (2022 yil 2 fevraldagi 32470 sonli ekspert xulosa o'rniga)»

**Buyurtmachi** - Surxondaryo viloyati xokimligi "Yagona buyurtmachi xizmati" IK

**Bosh loyihachi** - "Surxon m'emor loyixa" MChJ

**Litsenziya** AL-000522 sonli, 2020 yil 28 yanvarda O'zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablaglari

**Bosh pudratchi** - Erkin tanlov savdolari asosida aniqlanadi

**Qurilish turi** Rekonstruksiya

**Murojaat raqami:** № 36809

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. O'zbekiston Respublikasi Bosh Vaziri va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Ma'muriyati rahbari boshchiligidagi 2019 yil 16 iyundagi yig'ilishning 7 sonli bayoni 6-bandi.

1.2. 2022 yilda buyurtmachi tomondan tasdiqlangan va Surxondaryo viloyat qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishilgan yangilangan loyiha topshiriqi.

1.3. Surxondaryo viloyat qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 2019 yil 6 dekabrda 1440/2019 va 2020 yil 31 martdagi 321/2020 sonli me'moriy rejalashtirish topshirig'lari.

1.4. Buyurtmachining 2022 yil 18 apreldagi 01-08/845 sonli aloqa xati.

1.5. 2021 yil 1 martda Surxondaryo viloyati hokimligi "Yagona buyurtmachi xizmati" IK tomonidan tasdiqlangan 14-sonli narxlar kelishuvi bayonnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

1.03.01-16 sonli ShNQ talablariga asosida ishlangan loyiha smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

"Surxondaryo viloyati Termiz tumani Namuna mahallasi hududida joylashgan "Sulton Saodat" majmuasini rekonstruksiya qilish (Tarixiy obida atrofini g'ishtli yopiq to'siq bilan o'rash)" ishchi loyiha 2022 yil fevralida tavsiyaviy smeta narxi QQS bilan hisoblanib 2 231



051, 831 ming so'm miqdorida ekspertizadan o'tgan va 2022 yilning 2 fevral sanasida 32470 sonli yig'ma xulosa berilgan. Ishchi loyihada ob'ektni g'ishtli yopiq to'siq bilan o'rash ko'zda tutilgan.

Buyurtmachining 2022 yil 18 apreldagi 01-08/845 sonli aloqa xatiga asosan mazkur ishchi loyiha 2 ta bosqichga ajratilib taqdim qilinadi.

Mazkur 2 bosqichda 523.6m to'siq kurilishi va 2 ta darvoza o'rnatilish kiritilgan

### **3.1. Qurilish maydoni ta'rifi:**

- kurilish maydoni 1UA klimatik hududga tegishli,
- havoning qishgi hisobiy harorati- (- 12oS),
- shamol oqimi myo'riy tezligi - 0.48 kPa,
- qorning myo'riy yuki - 0.50 kPa,
- qurilish hududi zilzilalikligi - 7bal.

2019 yilda "O'ZGASHKLITI" DUK ning Surxondaryo viloyati filiali tomonidan o'tkazilgan izlanishlar natijasiga ko'ra qurilish maydonning muhandislik geologik sharoitlari quyidagicha ifodalaniadi:

- tuproqning zilzilaviy toifasi -III,
- qurilish maydonining hisobiy zilzilalikligi -8 bal,
- asos tuprog'i- loyli qum, malla rangli, namli, qattiq, cho'kuvchanlik turi - I,
- er osti suvi yer yuzasidan 4.4m chuqurlikda chiqqan,
- tuproqlari 10178-85\* GOST bo'yicha portlandsementli betonlarga o'rtacha agressiv.

### **3.2. Manzili**

Qurilish Surxondaryo viloyati Termiz tumani Sulton Saodat majmuasini rekonstruksiya qilish va 2000 o'rinli machit yordamchi bloklari bilan qurilishi hududida Termiz tumani xokimining Q-5013 sonli qaroriga asosanamallga oshiriladi.

### **3.3. Hudud bosh rejasi**

Bosh reja bo'yicha majmua chegarasi bo'ylab bezakli metall konstruksiyadan to'siq qurilishi va darvozalar o'rnatilishi ishlari ko'zda tutilgan.

Kurilish maydoni bosh rejasi 2.01.01-03 sonli ShNQ talablariga asosan ishlab chiqilgan.

### **3.4. Asosiy konstruktiv yechimlar va parametrlar**

Loyihalashtirilayotgan yopiq to'siq pishgan g'ishtdan bo'lib, mayolika va bezakli g'ishtlar pardoatlanadi va balandligi yerdan 2.1m, uzunligi 523.6m.

Cho'kuvchanlikka qarshi tadbirlar 2.02.01-96 QMQ talablariga asosan inobatga olingan.

Beton va temir beton konstruktsiyalari tuproqqa ko'miluvchi qismlarining yemirilishga qarshi himoyasi uchun poydevor tagiga bitum bilan to'yintirilgan shag'al katlamli asos berilishi va tik yuzasi 2 qatlamli surtma gidroizolyasiya qilinishi inobatga olingan.

Yong'inga qarshi tadbirlar nomli 2.01.02-04 sonli ShNQ talablariga asosan inobatga olingan.

### **3.5. Qurilish davomiylik muddati**

QTL taqvimiy jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 4 oyni tashkil qiladi.

### **4. Loyihalananotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertizadan o'tkazish jarayonida lokal ekspert xulosalar bo'yicha aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida loyixachi tomonidan ishchi loyixaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritildi, ulardan asosiylari:

- yopiq to'siqning uzunligi bosh reja bo'yicha qayta hisoblandi, asosning cho'kuvchanligini bartaraf qilish chora tadbirlari loyihaga kiritildi,
- qo'lda transheya qazish, transheyani qayta ko'mish, QShAsidan poydevor asosini yaratish, yopiq to'siq yuzasini bezakli g'ishtlar bilan pardozlash, to'siqqa mayolika bilan bezak berish kabi ish turlarining *resurs ko'rsatgichlari to'g'irlandi*,
- *resurs ko'rsatkichlarining narxi* (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transport harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishuvi bayonnomasi muvofiq to'g'rilandi.

### **6.2. Qurilish qiymati hisobi**

Taqdim etilgan loyihaga ko'ra qurilish qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan **1 042 173, 307 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra 3 132, 674 ming so'm miqdorida kamaytirilib **1 039 040, 633 ming so'm** qiymatida belgilandi, shu jumladan:

- QMI.....- 860 489, 137 ming so'm,
- QQS.....- 129 073, 371 ming so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari - 49 478, 125 ming so'm.

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachiga va bosh loyixachiga qurilish boshlanishidan oldin,

- buyurtmachining boshqa xarajatlari miqdorini 4.01.16-09 sonli ShNQ talablariga asosan aniqlansin,
- loyihani Surxondaryo viloyati kurilish bosh boshkarmasi qoshidagi arxitektura va shaxarsozlik kengashida ko'rib chiqilishi va tasdiqlanishi ta'minlansin;

6.5. Buyurtmachi loyiha xujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.6. 2020 yil 9 avgustda ekspertizadan o'tgan (2020/212 sonli ekspertiza xulosasi) Surxondaryo viloyati Termiz tumani Sulton Saodat majmuasini rekonstruksiya qilish va 2000 o'rinli maschit yordamchi bloklari



*bilan qurish (kutubxona, maishiy xizmat, qushxona va hojatxona) ishchi loyihasi tarkibiga kiritilgan to'siqlar qurilishi xarajatlari bekor qilinishi va qurilish jarayonida bosh pudradchi bilan o'zaro hisob kitob qilishda inobatga olinishining ta'minlanishi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.*

*6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 17-sentabrdagi 579 sonli qarorining 7 ilovasiga muvofiq:*

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi;*
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.*

## **7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Surxondaryo viloyati Termiz tumani Namuna mahallasi hududida joylashgan "Sulton Saodat" majmuasini rekonstruksiya qilish (Tarixiy obida atrofini g'ishtli yopiq to'siq bilan o'rash)" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2003 yil 6 martdagi 261 sonli Qaroriga va 04.01.16-09 sonli ShNQ ko'ra, qurilishning tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

7.3. Mazkur xulosa amalda kuchga kiritilgandan so'ng 2022 yil 2 fevraldagi 32470 sonli ekspert xulosasi bekor qilinadi.

**Bosh mutaxassis:** Soatmurodov Boxodir Allamurodovich

## Qurilish-montaj ishlari boshlanganligi haqida xabar berish

Ariza raqami	51512439
Tashkilot	O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi
Berilgan sana	06.05.2022 15:06
Ohirgi o'zgartirish kiritilgan sana	06.05.2022 15:06
Holati	Yangi
Hozirgi amal	Принятие на рассмотрение
Tekshirish uchun parol	70804

## Ariza beruvchi haqida ma'lumot (Yuridik shaxs)

Yuridik shaxsning nomi	VILOYAT HOKIMINING MARKAZLASHTIRILGAN MABLAG'LARI HISOBIGA OB'EKTLARINI QURISH "YAGONA BUYURTMACHI XIZMATCHI" INJINIRING KOMPANIYASI
Tashkiliy-huquqiy shakli	Muassasa
Yuridik shaxsning STIR	200474347
Yuridik manzil	Termiz shahar "Shodlik" mahallasi Navbog' ko'chasi 5-uy
MFO	01175
IFUT	70220
Yuridik shaxsning telefon raqami	998995863858
Yuridik shaxsning elektron pochta manzili	u@mail.ru

## Obyekt to'g'risidagi ma'lumotlar

Obyektning nomi	Termiz tumani "Namuna" maxallasi xududida joylashgan "Sulton Saodat" majmuasini rekonstruksiya qilish (tarixiy obida atrofini g'ishtli yopiq to'siq bilan o'rash) (2-boskich)
Obyektning joylashuvi (indeks, manzil, belgi)	Termiz tumani
Hudud	Surxandaryo viloyati
Tuman (shahar)	Termiz tumani
Obyekt murakkabligi kategoriyasi	2



Qurilish ishlari turi	Rekonstruksiya
Qurilish-montaj ishlarining qiymati: yig'ma ekspertiza xulosasiga asosan (QQSiz, buyurtmachining boshqa harajatlari va jihozlarsiz)	841217435
Loyiha-smeta hujjatlarini parallel olib boriladigan qurilish ob'ekti bo'yicha (hukumat qarori, bayoni № raqami va sanasi)	yo'q
Davlat dasturi obyektlari uchun (hukumat qarori, bayoni № raqami va sanasi)	O'z.Res Bosh Vaziri va O'z.Res Prezidenti ma'muriyati 16.06.2019-yildagi yig'ilish 7-sonli 6-bandi
Davlat ekspertiza organining nomi	"Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK Surxondaryo filiali
Davlat ekspertiza organining ijobiy xulosasi raqami va sanasi	N° 37529 19.04.2022
Pudratchi tashkilotning litsenziyasining raqami va sanasi - ayrim litsenziyalanadigan qurilish-montaj ishlarini bajarishda	"STROY MONTAJ INVEST" MCHJ
Ekspertiza organlarining sanoat xavfsizligi bo'yicha ijobiy xulosasi raqami va sanasi - xavfli ishlab chiqarish obyektlari uchun	Ushbu obyekt xavfli ishlab chiqarish turiga kirmaydi

#### Nazorat qiluvchi organlar va mas'ul shaxslar haqida ma'lumot

<b>Nazorat qiluvchi organlar va mas'ul shaxslar haqida ma'lumot</b>			
#	Qurilish obyektida mas'ul shaxsning lavozimi:	Tashkilotning nomi	Mas'ul shaxsning F.I.O. Pasport seriyasi va raqami
1	Texnik nazorat	"Yagona buyurtmachi xizmati" IK	Sheraliyev Bexruz Azim o'g'li AA 5350940
2	Muallifning nazorati	Surxon Me'mor Loyixa MCHJ	Xakimov Xasan Raxmatovich AB 30636489
3	Pudratchi tashkilot	"STROY MONTAJ INVEST" MCHJ	GULOMJON ARTIKOV MOVJIDINOVICH AB 5493509

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**  
 Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари  
 А.Хидиров  
 " " " 2022 й.

**ҚУРИЛИШ НОМИ РҲЙХАТИ**

**I бўлим. Қурилишнинг асосий маълумотлари**

1. Қурилиш номи ва жойлашган манзили	Термиз тумани "Намуна" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасини реконструкция қилиш (тарихий обида атрофини ғиштли ёпиқ тўсиқ билан ўраш) (2-босқич)				
2. Йўналиши	Бошқа йўналиш				
Инвестор					
4. Буюртмачи	Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК				
5. Лойихачи	"Сурхон Меъмор Лойиха" МЧЖ				
5.1. Т И О					
5.2. Л С Х ва Т Д					
5.3. Экспертиза	Сурхондарё давлат экспертиза бошқармаси				
Бош пудратчи	"STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ				
7. Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет ҳисобидан				
8. Қурилишнинг бошланиши ва тугаш санаси	2022 йил				
Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари:	Л С Х	01.01.2022 йилдаги қолдиқ.			
Куввати	Объект				
Асосий фонд	996,422	996,422			
Капитал қўйилмалар	996,422	996,422			
Қурилиш монтаж ишлари	967,400	957,726			
Усуналар ва жихозлар	0,000	0,000			
Бошқа ишлар ва хизматлар	19,348	29,022			
Буюртмачи харажатлари	9,674	9,674			
ИТҚҚВ ва МВ билан келишилган ҳолда 2022 йилга мулжалланган прогноз манзилли руйхати бўйича	Келишилган нархларда (млн.сум.)				
Кувват (бирликлар бўйича)	Объект				
Асосий фонд	996,422				
Капитал қўйилмалар	957,726				
Қурилиш монтаж ишлари	919,030				
Усуналар ва жихозлар	0,000				
Бошқа ишлар ва хизматлар	29,022				
Буюртмачи харажатлари	9,674				
<b>II бўлим. 2022 йилга мулжалланган прогнознинг чораклар тақсими ( жорий нархда, (млн.сум.)</b>					
	Жами	2022 йил чораклар кесимида			
		I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириладиган кувват	Объект		Объект		
Асосий фонд	996,422		996,422		
Капитал қўйилмалар	957,726		957,726		
Қурилиш монтаж ишлари	919,030		919,030		
Усуналар ва жихозлар	0,000		0,000		
Бошқа ишлар ва хизматлар	29,022		29,022		
Буюртмачи харажатлари	9,674		9,674		



Буюртмачи  
 Вилоят ҳокимлиги "ЯБХ" ИК директори

Пудратчи  
 "STROY MONTAJ INVEST" МЧЖ

А.Арамов

Ғ.Артиков



 <p>ISO 9001:2015 CERTIFIED QMS-0281/A Сертифицирована Система Менеджмента</p>	ZS-08,09,13-CE1-uz	<p><b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий суғурталаш Шартномаси, Вариант 1 (умумий суғурта соҳасининг 8, 9 ва 13 класслари)</b></p>	 <p><b>TEMIRYO'L SUG'URTA</b> стр. 1 из 5</p>
	04/01/2021		
	17/06/2016		

**Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий суғурталаш бўйича  
CE1-uz №19-00-1805-сонли ШАРТНОМА**

г.Термез

«08» 05 2022г.

Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун 2018 йил "8" февралда берилган 00224-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг лицензияси ва Устав асосида «TEMIRYO'L-SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг номидан Низом ва 2022 йил «10» февраль № 452 - сонли Бош Ишоннома асосида ҳаракат қилувчи Сурхондарё вилоят филиали суғурта менеждери Мухитдинов А.В. (кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталади) ва STROY MONTAJ INVEJST номидан ҳаракат қилувчи Ф. Ариқов (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи деб аталади), кейинги ўринларда суғурта шартномаси бўйича Томонлар ҳам деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагича туздилар:

**1. УМУМИЙ ШАРТЛАР**

1.1. Шартноманинг предмети сифатида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамисининг 20.12.1999 йилдаги 532-сонли Қарорига биноан қурилиш-монтаж ишлар (ҚМИ) ва Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги масъулияти мажбурий суғуртаси белгиланади. Ушбу шартнома Анкета-аризага ва 1-сонли Иловага асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар шартноманинг ажралмас қисми деб тан олинади.

1.2. Мазкур шартноманинг объекти бўлиб, Суғурта қилдирувчининг унинг мол-мулкига етказилган зарар ва учинчи шахслар олдидаги масъулияти билан боғлиқ мулкый манфаатларидир.

Суғурта қилдирувчининг мол-мулки деганда Шартноманинг 1-сонли Иловасида кўрсатиб утилган бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюминини ўзида ифодаладиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг жавобгарлиги ҳисобланади.

1.3. Суғурта жойи, манзили (қурилиш объектининг манзили): Тер. д.ч. Ҳалиқов ч.к. №1, Суғурта Саҳро ман. рақ. 773920040. Мулк фақат шу манзил бўйича суғурталанган деб ҳисобланади. Агар суғурталанган мулк шу манзилдан бошқа жойга кучирилса, суғурта химояси тўхтатилади.

1.4. Наф олувчи деб учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик бўйича Жабрланганлар ва уларнинг ворислари белгиланади.

1.5. Мол-мулкнинг суғурта (ҳақиқий) қиймати (Лойиха ва Смета бўйича) 967400000 сум

1.6. Мол-мулк бўйича суғурта пули 773920040, бу ҳақиқий қийматдан 30% ни ташкил қилади.

1.7. Жавобгарлик бўйича суғурта пули \_\_\_\_\_ сум., шу жумладан:

Ҳаёт/соғлиғига зарар етказилса \_\_\_\_\_ сум;

Учинчи шахслар мулкига зарар етказилса \_\_\_\_\_ сум.

1.8. Суғурта мукофоти: мол-мулк бўйича \_\_\_\_\_ сум; жавобгарлик бўйича \_\_\_\_\_ сум

1.9. Умумий суғурта мукофот 1000000 сумни ташкил этади ва Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки унинг суғурта агентига ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг, 5 (беш) банк куни ичида Суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши керак. Агар суғурта мукофоти 30 кундан ортиқ тўланмаса, Суғурталовчи мазкур шартномани бекор қилишга ҳақли.

1.10. Шартсиз франшиза суғурта пулидан 0% ташкил қилади.

1.11. Мазкур шартнома унинг тузилган кунидан бошлаб кучга киради агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти (ёки унинг келишилган қисми) Шартноманинг 1.9 бандида келишилган муддатда тўланган бўлса, ёки суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга киради агар суғурта мукофоти кечиктириб тўланса. Суғурталовчининг суғурта товонларини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган санасидан бошлаб кучга киради. Суғурталовчи фақат Полисда кўрсатилган даврдаги содир бўлган суғурта ходисалар учун тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда жавоб беради.

1.11. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурта қодаларининг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Суғурталовчига тўлангандан кейин 3 (уч) кун ичида берилади.

1.12. Мазкур Шартнома унга барча томонлар қўл қуйишгандан бошлаб 4 (тўрт) ой, барча ҳолатларда жорий йилнинг 31 декабргача амалда бўлади.



**2. СУГУРТА ХОДИСАСИ**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Суғурталовчи қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш даврида, суғурта жойида ва суғурта даврида қуйдаги суғурта химояни беради.

2.1.1. Суғурта қилдирувчининг мол-мулкнинг шикастланиши ёки нобуд бўлиши, қуйида келтирилган ходисалар туфайли натижасида пайдо бўлган зарарларни қоплайди:

- ёнғиннинг таъсири, газ ва буғнинг портлаши;
- табиий офатлар - ҳалокатли табиий ҳодисалар;
- сув таъминоти, иситиш, канализация ёки ёнғинни автоматик ўчириш тизимларидаги фалокат;
- бузиб кириб ўғирлик қилиш, босқинчилик ва талончилик;
- дераза, кўзгу, витрина ойналарини синиши;
- Суғурта қилдирувчига тегишли бўлмаган транспорт воситаларининг босиб кетиши;
- қиска туташув, ортиқча қуватланиш ва элетр носозлик;
- қурилиш механизмларини, материаллар ва конструкцияларни кулаб тушиши.



 CERTIFIED QMS-0281/A Сертификция Система Менеджмента	ZS-08,09,13-CE1-uz	<b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий суғурталаш Шартномаси, Вариант 1 (умумий суғурта соҳасининг 8, 9 ва 13 класслари)</b>	 <b>TEMIRYO'L SUG'URTA</b> стр. 2 из 5
	04/01/2021		
	17/06/2016		

2.1.2. Учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига етказилган зарарлар учун, агар бу зарарлар қурилиш-монтаж ишлари олиб борилганда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида шу зарарларни қоплаш мажбурияти Суғурта қилдирувчига юкланган бўлса.

Суғурта қилдирувчининг зарарларни қоплаш мажбуриятлари қонуний кучга кирган суднинг қарори асосида Наф олувчи (Жабрланувчи) фойдасига бўлиши шарт.

Мазкур шартнома бўйича шартнома муддатида содир бўлган куйдаги суғурта ходисалари қопланади:

- жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар (жисмоний зарар);
- жисмоний ва/ёки юридик шахсларнинг мулкни нобут бўлиши, шикастланиши билан боғлиқ зарар (мулкий зарар).

### 3. СУГУРТА ХОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

3.1. Мазкур Шартнома бўйича куйдагилар натижасида бевосита ёки билвосита пайдо бўладиган зарарлар қопланмайди:

- ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлар, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб кўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирор бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;
- ядро портлаши, радиация ва радиоактив заҳарланиш;
- суғурта қилдирувчига, фойдасига суғурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг қасддан қилган ҳаракати ёки қўпол эҳтиётсизлиги;
- суғурта қилдирувчига, фойдасига суғурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига суғурта ҳодисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;
- айрим буюмларнинг коррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ҳодисалар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисалар натижасида бошқа суғурта қилинган буюмлар шикастланишидан кўрилган зарарнинг ўрни қопланиши шарт;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;
- қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

3.2. Мазкур шартнома куйдагиларни ҳам қопламайди:

- а) Суғурта қилдирувчининг шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, ammo материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди;
- б) Ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар суғурта билан қопланмайди.

3.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар оқибатида содир бўлганда Суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш даврида:



4.1.1. Суғурта қилдирувчи куйдаги ҳуқуқга эга:

- а) Суғурталовчи билан келишилган ҳолда суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш;
- б) суғурта шартноманинг шартлари бўйича Суғурталовчидан тушунтиришларни олиш;
- в) полис йўқолган тақдирда, унинг дубликати Суғурталовчидан олиш.

4.1.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш;
- б) Суғурта қилдирувчи суғурталовчини суғурта суммаси ўзгарганлиги, шунингдек томонлар суғурта тўғрисидаги шартномани имзолашгандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Объект қийматини 10 фоиздан зиёд кўпайтирувчи ўзгартиришлар суғурталовчига шартнома шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради;
- в) суғурта ҳодисаси рўй берганда кўрилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида оқилон ва мумкин бўлган чораларни кўриш. Бундай чораларни кўришда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг кўрсатмаларига риоя қилиши керак, агарда бундай кўрсатмалар унга берилган бўлса;
- г) суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, суғурта шартномаси шартларига асосан, дарҳол суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш;
- д) ходимларни ишга ёллаш ва уларни назорат этишда эҳтиёткорлик чораларни кўриш;
- ж) қонунчилик ва/ёки ҳукумат органлари томонидан қўйилган барча талабларни бажариш;
- е) ёнғинга қарши тегишли барча асбоб-ускуналарни ва материалларни ишчи ҳолатда ушлаб туриш;
- ж) ходимларга ёнғинга қарши асбоб-ускуналарни ишлатишни ўргатиб, дарҳол ишлатишга тайёр туриш;
- з) ҳамма қурилиш материаллар ва конструкцияларни қурилишдаги талаб ва қоидаларга асосан тахлашни ва сақлашни таъминлаш;



 <b>ISO 9001:2015</b> CERTIFIED QMS-0281/A Сертификция Система Менеджмента	ZS-08,09,13-CE1-uz	<b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий суғурталаш Шартномаси, Вариант 1 (умумий суғурта соҳасининг 8, 9 ва 13 класслари)</b>	 <b>TEMIRYO'L SUG'URTA</b>	
	04/01/2021			
	17/06/2016			стр. 3 из 5

и) қурилиш объектни топширишига барча кўзда тутилган ёнғинга қарши воситаларни монтаж қилиш ва ишга тайёрлаш;

к) қурилиш майдонини тусиб қўйиш ва унга бегоналарни киритмаслик;

л) суғурта ҳодисаси рўй бериши билан зудлик билан суғурталовчига суғурта шартномасида кўрсатилган услуб ва муддати ичида суғурта товонни тўлаш ҳақидаги талабни кўриб чиқиш учун барча ҳужжатларни тақдим этиш.

#### 4.1.3. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта товонни тўлашни талаб қилган вақтда ундан қўшимча маълумотларни талаб қилиш. Суғурта шартномаси амалдаги вақтда суғурта хавфини ортишига сабаб бўладиган ҳолатларда суғурта мукофотини қайта кўриб чиқиш;

б) суғурта ҳодисаси эхтимолини камайтиришга мулжалланган чора-тадбирлар ўтказиш;

в) суғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг шартларини бажармаса ёки етарли даражада бажармаса суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли;

г) суғурта қилдирувчи томонидан берилган ахборотни ва шартноманинг шартларини бажаришини текшириш.

#### 4.1.4. Суғурталовчи мажбуриятлари:

а) суғурта қилдирувчини суғурта шартноманинг шартлари билан таништириш, шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисни тақдим этиш;

б) суғурта ҳодисаси бўйича барча ҳужжатларни олиб, ҳодисани тан олгандан сўнг шартномада белгиланган муддатларда суғурта товонини тўлаш;

в) мазкур шартномани амалдаги вақтда суғурта қилдирувчига унинг талаби бўйича тегишли маслаҳат ва тушунчаларни бериш;

г) суғурта қилдирувчининг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилмаслик, бундан мустасно Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида давлат органларига тақдим этилган маълумотлар.

### 5. СУГУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

5.1. Суғурта воқеаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи куйдагиларни қилишлари лозим:

а) суғурталовчининг сўровномалари ва талабларини кутмай мумкин бўлган зарарларни камайтиришга барча чораларни кўриш;

б) суғурталовчига 7 (етти) календар кундай кечиктирмай ёзма равишда хабар бериш;

в) суғурталанган мулкга тегишли бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча шартномалар тўғрисида ёзма равишда суғурталовчини хабардор қилиш;

г) зудлик билан воқеа тўғрисида ваколатли органларга хабар бериш.

5.2. Суғурталовчи томонидан суғурта даъвоини кўриб чиқиш учун суғурта қилдирувчи 30 (уттиз) кундан кечиктирмай:

- ўз ҳисобидан етказилган зарар сабаблари ва миқдори тўғрисида суғурталовчининг талабига асосан батавсил маълумот ва ҳужжатларни тақдим этади;

- суғурталовчига барча режа, спецификациялар, юк хатлар нусхаларини ва бошқа суғурта ҳодисасига таалуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этади.

Суғурта қилдирувчи суғурта воқеани бартараф этишни, шикастланган мулкни тиклашни, таъмирлашни имкон даражасида суғурталовчи томонидан кўздан кечиктирилгандан сўнг ва унинг билан ёзма равишда келишилган ҳолда амалга ошириши мумкин.

5.3. Суғурталовчи воқеа тўғрисида хабар олгандан сўнг 3 (уч) кун ичида объектни кўздан кечириши лозим. Суғурталовчи вакиллари суғурта воқеаси содир бўлган жойга, суғурта қилдирувчининг тегишли ҳужжатларига зарарнинг сабабларини ва миқдорини аниқлаш учун эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари шарт.

5.4. Суғурта қилдирувчи ёзма ариза ва воқеага таалуқли барча ҳужжатларни топширгандан кейин икки томонлама комиссия тузилади, лозим бўлган ҳолларда унинг таркибига ташаббус билдирган томоннинг ҳисобидан ваколатли органлар вакиллари ҳам киритилади.

Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва миқдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертини тайинлайди ва бу тўғрида иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизматига ҳақ тўлайди.

Ушбу қоида томонларнинг келишмовчиликларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

5.5. Барча талаб қилинган ҳужжатларни олгандан сўнг суғурталовчи 15 (ўн беш) банк куни ичида суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

### 6. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ



6.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун товон суммаси уни тиклаш ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштиришлар қиймати билан, ушбу суммалардан қайси бири камроқлигидан келиб чиққан ҳолда, чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тузатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан ортиб кетган тақдирда у нобуд бўлган деб ҳисобланади.

Мол-мулк шикастланган тақдирда уни бевосита суғурта ҳодисаси бошланишидан олдинги ҳолатига келтириш учун зарур тузатиш харажатлари тўланади.

6.2. Агар мазкур шартнома тузилиш кунига суғурта пули мулкнинг суғурта қийматидан (Лойиха бўйича смета қийматидан) камроқ бўлса, унда суғурта товони мутаносиб равишда тўланади. Агар суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулкнинг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг



 CERTIFIED QMS-0281/A Сертификция Система Менеджмента	ZS-08,09,13-CE1-uz	<b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий          суғурталаш Шартномаси, Вариант 1          (умумий суғурта соҳасининг 8, 9 ва 13          класслари)</b>	 <b>TEMIRYO'L          SUG'URTA</b>
	04/01/2021		
	17/06/2016		
			стр. 4 из 5

суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. ЎР ФКнинг 935 бандига асосан суғурта пули суғурта қийматига мутаносиблиги Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси содир бўлганда аниқланиши мумкин. Агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошмаса, унда Суғурталовчи товонларни тўлашдан озод этилади, агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошиқ бўлса, унда Суғурталовчи товонларни франшизани айриб тўлайди.

6.3. Суғурталовчи зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида қилинган харажатларни, агар ушбу зарар суғурта шартларига кўра тўланиши керак бўлса, тўлайди.

6.4. Агар суғурта ходисаси бошланган вақтда Суғурталовчи томонидан суғурталанган мол-мулкка нисбатан бошқа суғурта шартномалари амал қилаётган бўлса, зарар товони ҳар қайси суғурталовчи томонидан мол-мулк суғурталанган суғурта суммаларига мутаносиб равишда тақсимланади ва Суғурталовчи зарар товонининг фақат ўз улушига тушган қисминигина тўлайди.

6.5. Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига тўланган хар бир тўлов мазкур шартноманинг тегишли таваккалчилиги бўйича суғурта пулини камайтиради.

6.6. Агар зарар суммаси зарар етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ тўланган бўлса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади. Агар зарар қисман ёки тўланадиган суғурта товонидан камроқ миқдорда ундирилган бўлса, бу ҳолда у Суғурта қилдирувчига етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олган суммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

6.7. Суғурта ходисаси туғрисидаги Далолатномага комиссия ёки барча томонлар қўл қўйгандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Суғурталовчи суғурта товонини Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига тўлайди.

6.8. Суғурталовчининг суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни рад этиш туғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) улар суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

6.9. Агар суғурта ходисаси учинчи шахслар айби билан содир этилган бўлса ва уларга нисбатан Суғурта қилдирувчининг талаб ҳуқуқи бўлса, унда суғурта товонини тўлаб берган Суғурталовчи қоплаб берган зарар миқдорда талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Суғурта товонини олган Суғурта қилдирувчи ўзидан Суғурталовчига ўтган суғурта ходисаси учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни Суғурталовчига бериши ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча чораларни кўриши лозим.

## 7. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУГАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

7.1. Мазкур шартнома хар бир томонларнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, унинг учун ташаббус қилган томон бошқа томонни ёзма равишда 30 (уттиз) кун олдин огохлантиради. Бундан мустасно учинчи шахсларнинг манфаатига (Наф олувчига) зид бўлган ҳолатлар.

7.2. Агар Суғурталовчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурта қилдирувчи шартномадан муддатидан илгари воз кечганда, у тўлаган суғурта мукофотлари унга тўла қайтарилади; бошқа ҳолатларда суғурта шартнома муддатидан илгари бекор қилинса, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофотлар қайтарилмайди.

7.3. Суғурта шартномаси куйидаги ҳолларда тугайди:

а) шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

б) суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган мажбуриятини тўлиқ бажарганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолларда.

7.4. Суғурталовчининг мажбуриятларини амал қилиш муддати қурилиш, монтаж ва синовлар мобайнида бўлади ва объектни қурилиш пудрат шартномасининг муддатида топширилишига мувофиқ белгиланади, лекин мазкур шартномада шартлашилган муддатдан ошмайди.

7.5. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш уч ойдан ошмаган муддатга тўхтаб қолса, мазкур шартномани томонларнинг қўшимча ёзма келишувига асосида шу муддатга тўхтатиш мумкин. Қурилиш ишларини яна бошланиши Суғурта қилдирувчи томонидан ёзма мурожаатига асосан суғурта шартномасини давом эттиришга асос бўлади. Бу ҳолатда қўшимча суғурта мукофоти тўланмайди.

7.6. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш объектини консервация қилиш ҳолатларида Суғурталовчи шартномада қолган суғурта даврга мутаносиб равишда суғурта мукофотларни ўз харажатларини ушлаб қолган ҳолда қайтариб беради.

7.7. Объектни фойдаланишга топшириш муддати узайтирилган тақдирда, мазкур шартнома томонларнинг қўшимча келишувига кўра белгиланадиган қўшимча суғурта тўлови тўланиши шarti билан амал қилишда давом этади.

7.8. Агар қурилиш ишлари суғурта шартномасида белгиланган муддатдан олдим тугатилса, тўланган суғурта мукофотлар қайтарилмайди.



7.9. Суғурта мукофоти шартномада белгиланган муддатларда тўла ёки қисман тўланмаслиги "шартномани жиддий бўзилиши" ҳисобланади ва ЎзР "Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси туғрисида" Қонуннинг 15-бандига асосан Суғурталовчи томонидан шартномани бекор қилишга олиб келади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги бўйича жавобгардирлар.

8.2. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг Суғурталовчи белгиланган суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, ва ўз вақтида тўланмаган ёки кечиктирилган ҳолларда хар бир кечиктирилган кунига



 CERTIFIED QMS-0281/A Сертификция Система Менеджмента	ZS-08,09,13-CE1-uz	<b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий          суғурталаш Шартномаси, Вариант 1          (умумий суғурта соҳасининг 8, 9 ва 13          класслари)</b>	 <b>TEMIRYO'L          SUG'URTA</b>
	04/01/2021		
	17/06/2016		

тўланадиган суммадан 0,2%, жаъми 50% дан ошмаган жарима қўйишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчи ўз навбатида, унга тегишли бўлган суғурта товони тўланиши кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жаъми 50% дан ошмаган жарима қўйишга ҳақлидир.

8.3. Томонлар шартномадаги жавобгарликдан форс-мажор ҳолатларида озод этиладилар. Бу ҳолатлар таъсирига тушган томон бошқа томонни зудлик билан ёзма равишда сабаблари ва қўтилган муддати тўғрисида огоҳлантиради.

#### 9. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИКИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Келишувга эришилмаган ҳолда эса, низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

#### 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар барча шартнома қатнашчиларининг розилиги билан ёзма равишда киритилиши мумкин.

10.2. Томонларнинг мазкур Шартномада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

10.3. Мазкур Шартнома икки нусхада ҳар бир томон учун биттадан тузилган бўлиб, барча нусхалар бир хил юридик кучга эгадир.

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

##### Суғурталовчи:

«TEMIRYO'L-SUG'URTA» АЖ  
 Сурхондарё вилояти филиали  
 Манзил: Ибн Сино 38/1

х/р 20214000704188772006  
 Банк АКБ Хамкорбанк Термиз филиали  
 МФО: 01001, ИНН: 203996028  
 Тел: 236-49-06, Авария комиссари +99890 9980405.

Суғурта менеждери Мухитдинов А.В.

ИМЗО




##### Суғурта қилдирувчи:



*STROY MONTAJ INVEST LLC*

Манзил: *Термиз ш. 28. Сафармов*  
*кўчаси 179/1 уй*  
 х/р *2020 8000 2008 3382 1001*  
 Банк *ХАБ ТРАСТБАНК Термиз ш. фили.*  
 МФО: *01063*, ИНН: *305255350*

Тел:  
 Раҳбар

ИМЗО



 ISO 9001:2015 CERTIFIED QMS-0281/A Сертифицирована Система Менеджмента	ZS-8,9,13-CE1-C1-uz	<b>Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий сугурталаш бўйича шартнома, №1-сонли Илова (умумий сугурта соҳасининг 8, 9, 13 класслари)</b>	 <b>TEMIRYO'L SUG'URTA</b>
	04/01/2021		
	16/06/2016		

CE1 № 19-00-1805 сонли Қурилиш-монтаж ишларни мажбурий сугурталаш бўйича шартномага №1-сонли Илова « 06 » 05 2022 й.

<b>Сугурта қилдирувчининг номи ва манзили:</b> <u>STROY MONTAJ INVEST</u> <u>Ж.Ч.Ж.</u>	<b>Контракт номи:</b> Термиз 1. Жилинг маҳаллида сугурта қилдирувчи билан Сугурта Соҳасида мажбурий рақобат йўлида қилинган (тарихий объекти, рақобат йўлида қилинган сугурта шартномаси) (2-объект)
	<b>Объектнинг манзили:</b> <u>Термиз 1. Жилинг</u>

### 1. Моддий зарар

Сугурта Предметлари	Сугурта қиймати, сум	Изоҳлар
Қурилишнинг шартномавий қиймати	967400050	
Қурилиш ишлар қиймати	773920040	
Буюртмачи томонидан бериладиган қурилиш материаллари ва элементлари		
Қурилиш майдондаги асбоб-ускуна ва машиналар		
Тозалаш учун ажратилган сарфлар		
<b>Умумий сугурта қиймати:</b>		
<b>ҚМИ бўйича сугурта пули:</b> 80 % ёки	773920040	сум

### 2. Учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик

Қалтислик	Сугурта пули, сум	Изоҳлар
Жисмоний зарар, жаъми		
Моддий зарар		
<b>Жавобгарлик бўйича сугурта пули, жаъми</b>		

Қурилиш муддати: « 06 » 05 20 22 йилдан « 05 » 09 20 22 йилгача.  
 Сугурта муддати: « » 20 йилдан « » 20 йилгача.

